

**ИММУНОЛОГИЯ ВА ИНСОН ГЕНОМИКАСИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.05/202527.12.Tib.26.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

НАРЗИЕВ ШЕРАЛИ МУХАМАДОВИЧ

**ҚАЛҚОНСИМОН БЕЗ КАСАЛЛИКЛАРИ МАВЖУД
БЕМОРЛАР ИММУН СТАТУСИ ЎЗГАРИШЛАРИНИНГ
САБАБ-ОҚИБАТЛИ БОҒЛИҚЛИКЛАРИ**

14.00.36 – Аллергология ва иммунология

**Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2026

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Нарзиев Шерали Мухамадович

Қалқонсимон без касалликлари мавжуд беморлар иммун статуси
ўзгаришларининг сабаб-оқибатли боғлиқликлари.....3

Нарзиев Шерали Мухамадович

Причинно-следственные связи изменений иммунного статуса
у больных с заболеваниями щитовидной железы23

Narziev Sherali Muhamadovich

Causal relationships between immune status changes in patients with
thyroid diseases.....43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works49

**ИММУНОЛОГИЯ ВА ИНСОН ГЕНОМИКАСИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.05/202527.12.Tib.26.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

НАРЗИЕВ ШЕРАЛИ МУХАМАДОВИЧ

**ҚАЛҚОНСИМОН БЕЗ КАСАЛЛИКЛАРИ МАВЖУД
БЕМОРЛАР ИММУН СТАТУСИ ЎЗГАРИШЛАРИНИНГ
САБАБ-ОҚИБАТЛИ БОҒЛИҚЛИКЛАРИ**

14.00.36 – Аллергология ва иммунология

**Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2026

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2024.3.PhD/Tib5020 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Урганч давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.immuno.uz) ҳамда «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Нуралиев Неккадам Абдуллаевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Зиёдуллаев Шухрат Худайбердиевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Азимов Юрий Далиевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат тиббиёт университети

Диссертация химояси Иммунология ва инсон геномикаси институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc 05/2025.27.12.Tib.26.01 рақамли илмий кенгашнинг 2026 йил «15» 05 соат 1230 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100060, Тошкент, Я.Ғуломов кўчаси, 74-уй. Тел./факс: (+998 71) 207-08-30, e-mail: immunology@immuno.uz).

Диссертация билан Иммунология ва инсон геномикаси институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (125 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Я.Ғуломов кўчаси, 74. Тел./факс (99871) 207-08-30.)

Диссертация автореферати 2026 йил «23» 07 куни тарқатилди.
(2026 йил «23» 08 даги 23 рақамли реестр баённомаси).



Т.У. Арипова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик

Х.М. Хатамов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори (DSc)

А.А. Исмаилова

Илмий даражаларни берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Сўнгги йилларда эндокрин касалликлар билан касалланиш муттасил ортиб бориши, бемор ҳаёт сифатини пасайишига олиб келиши билан соғлиқни сақлаш тизимининг жиддий муаммоларидан бири ҳисобланади. Қалқонсимон без касалликлари сурункали, кўп омилли касаллиги бўлиб, унинг ривожланиши иммун тизими гуморал ва ҳужайра бўғинидаги ўзгаришлар билан бирга кечиши аниқланган. Баъзи муаллифлар берган маълумотларга кўра, «...қалқонсимон без касалликлари эндокрин патологиялар орасида қандли диабетдан кейин 2-ўриндадир, дунёда 665 млн. дан ортиқ одам қалқонсимон без патологияларидан азият чекмоқда, 1,5 млрд. инсонда йод танқислиги натижасида келиб чиқадиган касалликлар ривожланиш хавфи кузатилмоқда»¹. Қалқонсимон без касалликлари учраш даражаси юқорилиги, патогенезининг мураккаблиги ва касаллик оқибатларининг оғирлиги ўз навбатида, уни эрта ташхислаш ва даволаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалий тиббиётга тадбиқ қилишни тақозо этмоқда.

Жаҳон миқёсида эндокрин касалликлари, жумладан қалқонсимон без касалликларни эрта ташхислаш, прогнозлаш ва олиб боришни оптималлаштириш ва даволаш чора-тадбирларини такомиллаштиришга қаратилган илмий-тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада қалқонсимон без касалликлари билан касалланганларда иммун тизим фаолияти ўзгаришини аниқлаш, гормоннал ўзгаришлар ҳолатлари келиб чиқиши ва ривожланиш хавфи омилларини аниқлаш, касалликнинг турли кечиши ва оқибатларини баҳоловчи маркерларни аниқлаш, касалликда молекуляр-генетик тадқиқотлар ўтказиш, диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш илмий-тадқиқотларнинг устивор йўналиши бўлиб қолмоқда. Шулар билан бир қаторда қалқонсимон без касалликларига мойилликни эрта ташхислаш ҳамда керакли даволаш тадбирларини белгилаш соҳа мутахассислари олдида турган долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади.

Мамлакатимиз аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, жумладан қалқонсимон без касалликлари келиб чиқиш сабабларини аниқлаш, тўғри ва эрта ташхислаш, самарали даволаш орқали асоратларини камайтиришга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг етти устувор йўналишига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасининг босқичга кўтаришда «...бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш»² каби вазифалар белгиланган. Бундан келиб чиққан ҳолда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом муҳит

¹ Won Sang Yoo and Hyun Kyung. Recent Advances in Autoimmune Thyroid Diseases // Endocrinol Metab (Seoul). - 2022. - Vol. (3), N31. - P.379-385.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сон Фармони

яратиш, айниқса, қалқонсимон без касалликларини барвақт аниқлаш, касалланиш даражасини камайтириш ва даволашнинг юқори самарали замонавий усулларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади. алоҳида аҳамият касб қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» ва 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6610-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги фармонлари, 2017-йил 20-июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикасида аҳолига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Қалқонсимон без (ҚБ) касалликлари патогенезида иммун тизимининг аҳамияти улкан бўлиб, касаллик шаклланиши ҳамда ривожланишида асосий ўрин тутади. Здор В.В. ва ҳаммуал. (2019) Грейвс касаллигида бир қатор цитокинларнинг зардобдаги даражасида ўзгаришларни аниқлашган, TGFβ1 етишмовчилиги фонида ва тиамазол билан даволаш фонида, IFNγ ва IL-2 даражалари ошган, бу Tregs дисфункциясини кўрсатган. Аутоиммун жараёни нazorat қилиш, касаллик қайталанишини прогноз қилишда ҚБ гормонлари, ТТГ ва тиреоид аутоантителоларни ўрганиш билан бирга, IL-2, IFNγ, IL-6, sIL-6R, IL-17 ва TGFβ1 нинг зардобдаги даражасини назорат қилиш тавсия этилган.

Jung J.H. et al. (2016) диффуз токсик бўқоқ (ДТБ) иммун тизимининг бузилиши билан боғлиқлигини исботлашган. Motylewska E. et al., (2017) ишида IL-7 концентрацияси пасайиши назорат гуруҳи, ремиссиядаги беморлар билан таққослаган ҳолда ДТБ манифест шакли бўлган беморларнинг қон зардобда аниқланган. Бир қатор тадқиқотларда TNF-α ген полиморфизми ва ДТБ ўртасидаги боғлиқлик аниқланган.

Тажрибада Макау В. et al. (2017) медикаментоз тиреотоксикоз ҳолатидаги каламушлар қон зардобда TNF-α кўпайишини аниқлашган. TNF-α ошиши тиреоид гормонлар даражасига эмас, нишон аъзога қаратилган аутоиммун жараёнинг фаоллигига боғлиқ бўлган. TNF-α аутоантитаналарни ишлаб чиқаришда иштирок этишини аниқлашган.

Грязнова М.А., Хамнуева Л.Ю., (2017) нефрокардиал континуумнинг намоён бўлиши, юрак қон-томир тизими ва буйрақлар кейинги зарарланиши

билан ҚБ гиперфункциясида яллиғланиш мавжудлигини кўрсатишган, бунда ДТБ ли беморларда яллиғланишга хос цитокинлар ошишини кўрсатишган.

Аниқланишича, Th17/Treg хужайралари миқдорий ўзгариши Грейвс касаллиги патогенезидаги асосий бўғинлардан биридир. Treg-хужайралари аутоиммун реакцияларни олдини олишда муҳим, редокс-хусусиятларга эга CD4⁺-хелперлар хужайраларга ва H₂O₂ про-апоптотик самараларига нисбатан чидамли (Shao S. et al., 2018; Hirai N. et al., 2019).

Кодиров А.Э. ва ҳаммуал. (2022) органспецифик аутоиммун жараён асосида антигенспецифик Т-хужайралар нишон тўқималари билан ўзаро таъсири ётади, деб ҳисоблашган. Муаллифлар таъкидлашича, CCL21 нинг плазмадаги даражаси ДТБ ли беморларда юқори бўлган, плазмадаги манфий TRAb, TRAb ва OPN, CCL21 билан корреляцияланган беморларда меъёрий диапазонда бўлган. Ушбу натижалар ДТБ ва плазмадаги CCL21 ўртасидаги клиник корреляцияни кўрсатган.

Савченко А.А. ва ҳаммуал. (2018) Грейвс касаллиги иммунопатогенези ТПО-АТ даражаси В- ва Т-хужайравий иммунитет кўрсаткичлари билан салбий боғлиқлиги билан тавсифлашган. Муаллифлар томонидан цитокинларнинг ҚБ пролифератив фаоллигига аутоиммун тиреопатияларда таъсири тескари йўналишга эга эканлиги кўрсатилган, бу цитокинларнинг полифункционал таъсири, ҚБ тўқималарини инфильтрацияловчи лимфоцитлар субпопуляция таркиби хусусияти, аутоантителолар хусусиятлари билан изоҳланган (Маниковская Н.С. ва ҳаммуал., 2022).

Турли аутоиммун касалликларда Th17, Treg хужайралар дисбалансини коррекциялаш учун моноклонал антителоларга асосланган иммунобиологик препаратларни яратиш, уларни аутоиммун тиреопатияларда ишлатишга уринишлар қилинган. Шу муносабат билан Трошина Е.А. ва ҳаммуал. (2019) ушбу давонинг ҚБ аутоиммун касалликларига нисбатан самарадорлигини тасдиқлаш учун қўшимча тадқиқотлар зарур, деб ҳисоблашган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат тиббиёт институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ 05.2023 PhD 159-сонли «COVID-19 дан кейинги даврда Бухоро воҳаси аҳолиси саломатлигига таъсир этувчи патологик ҳолатларни эрта аниқлаш, ташхислаш ҳамда янги даволаш профилактика усуллари ишлаб чиқиш» (2022-2026 йй.) амалий лойихаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади қалқонсимон без гормонал касалликлари мавжуд беморлар иммун статуси ўзгаришларининг сабаб-оқибатли боғлиқликларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

қалқонсимон без гормонал касалликлари (диффуз токсик бўқоқ, гипотиреоз, тугунли бўқоқ) ташхисланган беморлар қон зардобиди гуморал иммунитет кўрсаткичларини аниқлаш ва қиёсий баҳолаш;

қалқонсимон без гормонал касалликлари мавжуд беморлар қон зардобиди тиреопероксидазага қарши антителолар миқдорининг иммун тизими бошқа кўрсаткичлари билан боғлиқлигини аниқлаш;

ўрганилаётган патологиялар кузатилган беморлар гуморал иммунитет, цитокин статуси орасидаги муносабатнинг сабаб-оқибатли боғлиқликларини аниқлаш ва баҳолаш;

қалқонсимон без гормонал касалликлари ташхисоти ва касаллик якуни истиқболлини белгилловчи башоратловчи иммунологик мезонлар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Бухоро вилояти эндокринология диспансерида диффуз токсик бўқоқ, гипотиреоз, тугунли бўқоқ нозологик бирликлари ташхисланган катта ёшли 124 нафар беморлар ва 20 нафар соғлом шахслар олинди.

Тадқиқотнинг предмети сифатида беморлар вена қони ва зардоб, иммунологик ва гормонал тадқиқотлар учун олинди.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда умумклиник, гормонал, иммунологик, ультратовуш ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор ДТБ ташхисланган беморларда иммуноглобулинлар (IgA, IgM, IgG ва IgE) миқдори соғлом шахсларга нисбатан ишонарли юқорилиги, тугунли бўқоқда иммуноглобулинлар пасайгани фонида аллергик фон юқорилиги, гипотиреозда иммуноглобулинлар миқдорининг дисбаланси фонида ТПО га қарши АТ ларнинг қон зардобидидаги миқдорининг ортишига сабаб бўлиши исботланган;

илк бор қалқонсимон без (ДТБ, тугунли бўқоқ ва гипотиреоз) касалликлари қон зардобидида яллиғланишга хос (IL-1 β , TNF α) цитокинлари миқдор ўзгаришлар тенденцияси ва интенсивлиги бир хил бўлса, яллиғланишга қарши (IL-4, IL-10) цитокинлар миқдор ўзгаришлари интенсивлиги турлича бўлиши аниқланган;

қалқонсимон без (ДТБ, тугунли бўқоқ, гипотиреоз) касалликларида беморлар индивидуал кўрсаткичларининг референс кўрсаткичлари доирасидан ошган фоизи - мусбат намуналар фоизи (МНФ) кўрсаткичининг кескин юқори бўлиши касаллик оғирлик даражаси ортишига сабаб бўлиши аниқланган;

диффуз токсик бўқоқ касаллигида иммун тизими барча кўрсаткичлари орасидаги корреляцион боғланишларда кучсиз боғланишлар учрамагани фонида, кучли боғланишлар яллиғланишга хос цитокинлар (TNF- α , IL-1 β), ТПО-АТ орасида кузатилиши сабабли касаллик патогенезида иммун тизими иштироки даражаси юқори бўлиши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

қалқонсимон без гормонал касалликлари ташхисланган беморлар қон зардобидида IgA, IgM, IgG ва IgE миқдорларини аниқлаш таклиф этилган;

қалқонсимон без касалликлари мавжуд беморларда яллиғланишга хос ва қарши хос (IL-1 β , TNF α , IL-4, IL-10) цитокинлар миқдорини аниқлаш исботланган;

қалқонсимон без касалликлари мавжуд беморларда ТПО га қарши АТ ларнинг қон зардобидаги миқдорини аниқлаш асосланган;

беморларда кечадиган эндокрин тизими турли касалликларида организм иммун тизимида ўзгаришлар даражасини аниқлаш ва баҳолаш бўйича ЭХМ дастури ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган ёндошув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, умумклиник, гормонал, иммунологик, ва статистик тадқиқот усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлар билан таққосланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти қалқонсимон без гормонал касалликлари мавжуд беморлар иммун статуси ўзгаришларининг сабаб-оқибатли боғлиқликларини аниқлаш натижасида ДТБ ташҳисланган беморларда иммуноглобулинлар (IgA, IgM, IgG ва IgE) миқдори юқорилиги, тугунли бўқоқда иммуноглобулинлар пасайгани фонида аллергик фон юқорилиги, гипотиреозда иммуноглобулинлар миқдорининг дисбаланси фонида ТПО га қарши АТ ларнинг қон зардобидаги миқдорининг ортишига сабаб бўлиши исботланганлиги, илк бор қалқонсимон без касалликларида яллиғланишга хос (IL-1 β , TNF α) цитокинлари миқдор ўзгаришлар тенденцияси ва интенсивлиги бир хиллиги, яллиғланишга қарши (IL-4, IL-10) цитокинлар миқдор ўзгаришлари интенсивлиги турлича бўлиши аниқланганлиги, қалқонсимон без касалликларида беморлар индивидуал кўрсаткичларининг референс кўрсаткичлари доирасидан ошган фоизи - мусбат намуналар фоизи (МНФ) кўрсаткичининг кескин юқори бўлиши касаллик оғирлик даражаси ортишига сабаб бўлиши аниқланганлиги ва диффуз токсик бўқоқ касаллигида кучли боғланишлар яллиғланишга хос цитокинлар (TNF- α , IL-1 β), ТПО-АТ орасида кузатилиши сабабли касаллик патогенезида иммун тизими иштироки даражаси юқори бўлиши исботланганлиги касаллик патогенезининг янги жиҳатларини очиш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти қалқонсимон без гормонал касалликлари ташҳисланган беморлар қон зардобида IgA, IgM, IgG ва IgE миқдорларини аниқлаш таклиф этилганлиги, қалқонсимон без касалликларида яллиғланишга хос ва қарши хос (IL-1 β , TNF α , IL-4, IL-10) цитокинлар миқдорини аниқлаш исботланганлиги, қалқонсимон без касалликлари мавжуд беморларда ТПО га қарши АТ ларнинг қон зардобидаги миқдорини аниқлаш асосланганлиги ҳамда беморларда кечадиган эндокрин тизими турли касалликларида организм иммун тизимида ўзгаришлар даражасини аниқлаш ва баҳолаш бўйича ЭХМ дастури ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қалқонсимон без

гормонал касалликлари мавжуд беморлар иммун статуси ўзгаришларининг сабаб-оқибатли боғлиқликларини аниқлаш жараёнида олинган илмий натижалар асосида:

биринчи илмий янгилиги: илк бор ДТБ ташхисланган беморларда иммуноглобулинлар (IgA, IgM, IgG ва IgE) миқдори соғлом шахсларга нисбатан ишонарли юқорилиги, тугунли бўқоқда иммуноглобулинлар пасайгани фонида аллергик фон юқорилиги, гипотиреозда иммуноглобулинлар миқдорининг дисбаланси фонида ТПО га қарши АТ ларнинг қон зардобидаги миқдорининг ортишига сабаб бўлиши исботланганлиги бўйича «Қалқонсимон без касалликлари ташхисланган беморлар гуморал иммунитет ва цитокин статусини аниқлаш ва баҳолаш усули» услубий тавсияномаси ишлаб чиқилган (Бухоро давлат тиббиёт институти Эксперт кенгашининг 2025 йил 26 июндаги 25-м/176-сонли хулосаси билан тасдиқланган). Мазкур таклиф Академик Ё.Х.Турақулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази Навоий филиали бўйича 17.07.2025 йилдаги 68-сонли ҳамда Академик Ё.Х.Турақулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази Қашқадарё филиали бўйича 17.07.2025 йилдаги 108-сонли буйруқлари билан амалиётларига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги илмий техник кенгашининг 2025 йил 24 октябрдаги 27/42-сон маълумотномаси); *иқтисодий самарадорлиги:* олинган натижалар Қалқонсимон без касалликлари ташхисланган беморларни ўз вақтида аниқлаш, клиник-иммунологик ташхислаш, даволаш тактикасини оптималлаштириш, асоратлар ривожланишини камайтириш, тиббий ёрдам сифатини ошириш, стационарда даволаниш муддатини қисқартириш ва ҳаёт сифатини яхшилашга имкон яратади; *иқтисодий самарадорлиги:* илмий натижаларнинг Академик Ё.Х.Турақулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази Навоий ва Қашқадарё филиаллари амалий фаолиятларига жорий этилишида қалқонсимон без касалликлари ташхисланган беморлар гуморал иммунитет ва цитокин статусини аниқлаш ва баҳолаш усулидан фойдаланиш, ҳар бир беморга нисбатан 140000 сум иқтисодий самарадорлик бериши асосланган; *хулоса:* ДТБ ташхисланган беморларда иммуноглобулинлар (IgA, IgM, IgG ва IgE) миқдори ишонарли юқорилиги, тугунли бўқоқда иммуноглобулинлар пасайгани фонида аллергик фон юқорилиги, гипотиреозда иммуноглобулинлар миқдорининг дисбаланси фонида ТПО га қарши АТ ларнинг қон зардобидаги миқдорининг ортишига сабаб бўлиши асосланган;

иккинчи илмий янгилиги: илк бор қалқонсимон без (ДТБ, тугунли бўқоқ ва гипотиреоз) касалликлари қон зардобида яллиғланишга ҳос (IL-1β, TNFα) цитокинлари миқдор ўзгаришлар тенденцияси ва интенсивлиги бир хил бўлса, яллиғланишга қарши (IL-4, IL-10) цитокинлар миқдор ўзгаришлари интенсивлиги турлича бўлиши аниқланганлиги бўйича «Қалқонсимон без касалликлари ташхисланган беморлар гуморал иммунитет ва цитокин статусини аниқлаш ва баҳолаш усули» услубий тавсияномаси ишлаб

чиқилган (Бухоро давлат тиббиёт институти Эксперт кенгашининг 2025 йил 26 июндаги 25-м/176-сонли хулосаси билан тасдиқланган). Мазкур таклиф Академик Ё.Х.Турақулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази Навоий филиали бўйича 17.07.2025 йилдаги 68-сонли ҳамда Академик Ё.Х.Турақулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази Қашқадарё филиали бўйича 17.07.2025 йилдаги 108-сонли буйруқлари билан амалиётларига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги илмий техник кенгашининг 2025 йил 24 октябрдаги 27/42-сон маълумотномаси); *ижтимоий самарадорлиги*: олинган натижалар Қалқонсимон без касалликлари ташхисланган беморларни ўз вақтида аниқлаш, клиник-иммунологик ташхислаш, даволаш тактикасини оптималлаштириш, асоратлар ривожланишини камайтириш, тиббий ёрдам сифатини ошириш, стационарда даволаниш муддатини қисқартириш ва ҳаёт сифатини яхшилашга имкон яратади; *иқтисодий самарадорлиги*: илмий натижаларнинг Академик Ё.Х.Турақулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази Навоий ва Қашқадарё филиаллари амалий фаолиятларига жорий этилишида қалқонсимон без касалликлари ташхисланган беморлар гуморал иммунитетини ва цитокин статусини аниқлаш ва баҳолаш усулидан фойдаланиш, ҳар бир беморга нисбатан 140000 сум иқтисодий самарадорлик бериши асосланган; *хулоса*: қалқонсимон без касалликлари қон зардобда яллиғланишга ҳос (IL-1 β , TNF α) цитокинлари миқдор ўзгаришлар тенденцияси ва интенсивлиги бир хил бўлса, яллиғланишга қарши (IL-4, IL-10) цитокинлар миқдор ўзгаришлари интенсивлиги турлича бўлиши асосланган;

учинчи илмий янгилиги: қалқонсимон без (ДТБ, тугунли бўқоқ, гипотиреоз) касалликларида беморлар индивидуал кўрсаткичларининг референс кўрсаткичлари доирасидан ошган фоизи - мусбат намуналар фоизи (МНФ) кўрсаткичининг кескин юқори бўлиши касаллик оғирлик даражаси ортишига сабаб бўлиши аниқланганлиги бўйича «Қалқонсимон без касалликлари ташхисланган беморлар гуморал иммунитетини ва цитокин статусини аниқлаш ва баҳолаш усули» услубий тавсияномаси ишлаб чиқилган (Бухоро давлат тиббиёт институти Эксперт кенгашининг 2025 йил 26 июндаги 25-м/176-сонли хулосаси билан тасдиқланган). Мазкур таклиф Академик Ё.Х.Турақулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази Навоий филиали бўйича 17.07.2025 йилдаги 68-сонли ҳамда Академик Ё.Х.Турақулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази Қашқадарё филиали бўйича 17.07.2025 йилдаги 108-сонли буйруқлари билан амалиётларига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги илмий техник кенгашининг 2025 йил 24 октябрдаги 27/42-сон маълумотномаси); *ижтимоий самарадорлиги*: олинган натижалар Қалқонсимон без касалликлари ташхисланган беморларни ўз вақтида аниқлаш, клиник-иммунологик ташхислаш, даволаш тактикасини оптималлаштириш, асоратлар ривожланишини камайтириш, тиббий ёрдам

сифатини ошириш, стационарда даволаниш муддатини қисқартириш ва ҳаёт сифатини яхшилашга имкон яратади; *иқтисодий самарадорлиги*: илмий натижаларнинг Академик Ё.Х.Туракулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази Навоий ва Қашқадарё филиаллари амалий фаолиятларига жорий этилишида қалқонсимон без касалликлари ташхисланган беморлар гуморал иммунитетини ва цитокин статусини аниқлаш ва баҳолаш усулидан фойдаланиш, ҳар бир беморга нисбатан 140000 сум иқтисодий самарадорлик бериши асосланган; *хулоса*: қалқонсимон без касалликларида беморлар индивидуал кўрсаткичларининг референс кўрсаткичлари доирасидан ошган фоизи - мусбат намуналар фоизи (МНФ) кўрсаткичининг кескин юқори бўлиши касаллик оғирлик даражаси ортишига сабаб бўлиши асосланган;

тўртинчи илмий янгилиги: диффуз токсик буқоқ касаллигида иммун тизими барча кўрсаткичлари орасидаги корреляцион боғланишларда кучсиз боғланишлар учрамагани фонида, кучли боғланишлар яллиғланишга ҳос цитокинлар (TNF- α , IL-1 β), ТПО-АТ орасида кузатилиши сабабли касаллик патогенезида иммун тизими иштироки даражаси юқори бўлиши исботланганлиги бўйича «Қалқонсимон без касалликлари ташхисланган беморлар гуморал иммунитетини ва цитокин статусини аниқлаш ва баҳолаш усули» услубий тавсияномаси ишлаб чиқилган (Бухоро давлат тиббиёт институти Эксперт кенгашининг 2025 йил 26 июндаги 25-м/176-сонли хулосаси билан тасдиқланган). Мазкур таклиф Академик Ё.Х.Туракулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази Навоий филиали бўйича 17.07.2025 йилдаги 68-сонли ҳамда Академик Ё.Х.Туракулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази Қашқадарё филиали бўйича 17.07.2025 йилдаги 108-сонли буйруқлари билан амалиётларига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги илмий техник кенгашининг 2025 йил 24 октябрдаги 27/42-сон маълумотномаси); *ижтимоий самарадорлиги*: олинган натижалар Қалқонсимон без касалликлари ташхисланган беморларни ўз вақтида аниқлаш, клиник-иммунологик ташхислаш, даволаш тактикасини оптималлаштириш, асоратлар ривожланишини камайитириш, тиббий ёрдам сифатини ошириш, стационарда даволаниш муддатини қисқартириш ва ҳаёт сифатини яхшилашга имкон яратади; *иқтисодий самарадорлиги*: илмий натижаларнинг Академик Ё.Х.Туракулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази Навоий ва Қашқадарё филиаллари амалий фаолиятларига жорий этилишида қалқонсимон без касалликлари ташхисланган беморлар гуморал иммунитетини ва цитокин статусини аниқлаш ва баҳолаш усулидан фойдаланиш, ҳар бир беморга нисбатан 140000 сум иқтисодий самарадорлик бериши асосланган; *хулоса*: диффуз токсик буқоқ касаллигида иммун тизими барча кўрсаткичлари орасидаги корреляцион боғланишларда кучсиз боғланишлар учрамагани фонида, кучли боғланишлар яллиғланишга ҳос цитокинлар (TNF- α , IL-1 β), ТПО-АТ орасида кузатилиши

сабабли касаллик патогенезида иммун тизими иштироки даражаси юқори бўлиши асосланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари жами 4 та, жумладан 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хотима, хулоса, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 117 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида бажарилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, унинг республика фан ва технологиялари устувор йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва унинг амалий натижалари ўз ифодасини топган, олинган илмий натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти келтирилган, тадқиқот натижаларининг амалий соғлиқни сақлашга жорий қилинганлиги, чоп этилган ишлар ва диссертация таркибий тузилиши бўйича маълумотлар баён этилган.

Диссертациянинг «**Одам қалқонсимон без касалликларининг клиник-иммунологик жиҳатлари: адабиётлар шарҳи**» деб номланган биринчи бобида танланган мавзу бўйича илмий манбалар шарҳи келтирилган. Унда ҚБ касалликларининг учраш даражаси, хавф омиллари, этиопатогенези хусусиятлари тавсифи, иммуно-патогенетик хусусиятлари тавсифи, бошқа соматик патологиялар билан биргаликда кечиш хусусиятлари бўйича тадқиқотлар натижалари келтирилган.

Диссертациянинг «**Қалқонсимон без касалликлари мавжуд беморлар иммун статусини аниқлаш ва баҳолаш бўйича материал ва усуллар**» деб номланган иккинчи бобида диссертация мавзуси бўйича материал ва усуллар батафсил баён этилган.

Илмий-тадқиқот ишлари Бухоро вилоят эндокринология диспансери базасида олиб борилган. Жами 124 нафар катта ёшли беморлар (20-60 ёш) ўрганилган. Уларнинг 108 нафари ($87,10 \pm 3,01\%$) аёллар ва 16 нафари ($12,90 \pm 13,01\%$) эркеклар бўлишган. Аёлларнинг эркеклардан 6,75 мартага ишонарли тарзда кўп учраши улар орасида ўрганилаётган патологияларнинг кўп учраши билан изоҳланган. Қишлоқ туманларида доимий истиқомат қилувчилар шаҳарда муқим яшовчиларга нисбатан 3,96 мартага кўп аниқланган (мос равишда $79,84 \pm 3,60\%$ ва $20,16 \pm 3,60\%$). Беморларнинг ёш бўйича тақсимланиши уларнинг ёш гуруҳлари бўйича бир-бирига репрезентатив эканлигини кўрсатган. ҚБ касалликлари сифатида гипотериоз

(n=48), диффуз токсик бўқоқ (n=40) ва тугунли бўқоқ (n=36) нозологик бирликлари ташхисланган беморлар олинган. Беморларнинг асосий қисмида касаллик давомийлиги 1-2 йил ($41,94 \pm 4,43\%$, n=52) ва 3-4 йил ($25,00 \pm 3,89\%$, n=31) бўлган, уларнинг умумий фоизи 66,94%ни ташкил этган.

Тадқиқотда барча ўрганилган беморлар томонидан (n=124) жами 23 та шикоят кўрсатилган. Шикоятлар бевосита ушбу касалликлар билан боғлиқ бўлиб, турли миқдорда учраган. Худди шундай тенденция ушбу яллиғланиш билан боғлиқ шикоятларга тааллуқли бўлган. Жами шикоятлар сони 472 та бўлиб, ҳар бир беморга 3,80 дан тўғри келган. Махсус шикоятлар орасида етакчилик умумий холсизлик ($71,77 \pm 4,04\%$), нафас қисиши ($63,71 \pm 4,32\%$), юрак тез уриши ($26,61 \pm 3,97\%$), ҳаво етишмаслигига ($23,39 \pm 3,80\%$ дан) тааллуқли бўлган, бошқа шикоятлар 1,61-19,35% ҳолатда учраган.

ҚБ касалликлари мавжуд ушбу беморларнинг барчасида якуний ташҳис УТТ ёрдамида тасдиқланган.

Тиреопероксидазага қарши аутоантителоларни аниқлаш учун қон зардобии олиниб, ИФА усулида «ХЕМА» МЧЖ (Москва, РФ, серия K131) тест-тўпламларидан фойдаланилган.

Қон зардобиидаги иммуноглобулинларни аниқлаш ИФА ёрдамида амалга оширилиб, MR-96A (MindrayCo.Ltd, Хитой) аппаратида фойдаланилган. IgA (серия A-8666) концентрацияси «Вектор Бест» (Новосибирск, РФ) МЧЖ ва IgM (серия K277), IgG (серия K271), IgE (серия K200) миқдорлари «ХЕМА» МЧЖ (Москва, РФ) тест-тўпламлари қўлланган ҳолда аниқланган.

Прокальцитонин концентрациясини аниқлаш учун беморлар қон зардобии олиниб, ИФА ёрдамида тадқиқот ўтказилган. Бунда прокальцитонин (серия A-9004) «Вектор Бест» (Новосибирск, РФ) МЧЖ тест-тўпламларидан фойдаланилган.

Беморлар цитокин статусини аниқлаш ИФА ёрдамида қон зардобиида олиб борилган. Бунда «Вектор Бест» МЧЖ (Новосибирск, РФ) тест-тизимларидан фойдаланилган. Улар ёрдамида қон зардобиидаги IL-1 β (серия A-8766), IL-4 (серия A-8754), IL-6 (серия A-8768), IL-10 (серия A-8774), TNF- α (серия A-8756) концентрацияси аниқланган.

Материални статистик ишлаш анъанавий вариацион статистика усуллари ёрдамида «Excel» дастуридан фойдалани, амалга оширилган.

Диссертациянинг **«Қалқонсимон без касалликлари мавжуд беморлар гуморал иммунитет ва цитокин статуси параметрлари таҳлили»** деб номланган учинчи бобида ушбу патология аниқланган беморлар қон зардобиидаги асосий иммуноглобулинлар (IgA, IgM, IgG, IgE), яллиғланишга хос (IL-1 β , TNF- α) ва унга қарши (IL-4, IL-10) цитокинлар аниқланиш натижалари келтирилган. Беморлар қон зардобиидаги иммуноглобулинлар асосий синфлари концентрацияларини қиёсий ўрганиш натижалари 1-жадвалда келтирилган.

Олинган натижалар IgA, IgM, IgG ларнинг ҚБ касалликлари умумий гуруҳида назорат гуруҳи параметрларидан ишонарли даражада фарқ қилмаганлигини кўрсатган, IgA 1,15 марта, IgM 1,10 марта, IgG 1,07 мартага

соғломлар кўрсаткичларидан юқори бўлган бўлса ҳам, статистик жиҳатдан аҳамиятли фарқ аниқланмаган.

1-жадвал

Қалқонсимон без касалликлари ташҳисланган беморлар қон зардобидаги иммуноглобулинлар миқдорий кўркаткичлари

Имуноглобулинлар	Тадқиқот гуруҳлари	
	Назорат, n=20	Асосий, n=90
IgA, г/л (0,52-2,85 г/л)	1,26±0,15	1,45±0,07 ↔
IgM, г/л (0,60-2,50 г/л)	1,33±0,14	1,47±0,07 ↔
IgG, г/л (6,0-20,0 г/л)	13,53±0,89	14,55±0,64 ↔
IgE, ХБ/мл (0,25-1,0 ХБ/мл)	0,64±0,06	1,06±0,14* ↑

Изох: * - назорат гуруҳига нисбатан ишонарли фарқ белгиси; ↑ - ўзгаришлар йўналиши; ↔ - ишонарли тафовут мавжуд эмас.

Бирмунча фарқли натижа IgE нинг қон зардобидаги концентрацияси бўйича кузатилган, учала иммуноглобулиндан фарқли равишда унда ишонарли даражадаги тафовут аниқланган, агар назорат гуруҳида IgE миқдори 0,64±0,06 ХБ/мл бўлган бўлса, умумий гуруҳда бу параметр 1,06±0,14 ХБ/мл ни ташкил этган (1,65 марталик ишонарли тафовут, $P<0,001$). Ушбу беморларда аллергия фоннинг ишонарли равишда ошиши ушбу касалликларнинг асосан аутоиммун характерга эгаллиги билан боғлиқ.

Беморлар қон зардобидаги иммуноглобулинлар билан бир қаторда шу биологик суюқликда махсус бўлмаган резистентлик омили бўлган прокальцитонин ҳам аниқланган. Ўтказилган тадқиқотда соғлом шахсларда унинг миқдори ўртача 0,06±0,01 пг/мл бўлгани ҳолда, ҚБ касалликлари мавжуд беморларда унинг концентрацияси 1,50 мартага ишонарли даражада ($P<0,05$) ошгани аниқланган - 0,09±0,01 пг/мл.

Шу биологик суюқликда тиреопероксидазага қарши антителолар (аутоантителолар - ТПО га қарши АТ) концентрацияси ҳам ўрганилган. Улар махсус иммуноглобулинлар бўлиб, ҚБ ҳужайраларида мавжуд бўлган тиреопероксидаза ферментига қарши ишлаб чиқарилади. Ушбу фермент тиреоид гормонлар синтез қилиниши учун зарур бўлган йоднинг фаол кўриниши ҳосил бўлишига жавобгардир. Шу сабабли ҚБ касалликларида ТПО га қарши АТ ни аниқлаш муҳим диагностик аҳамият касб этади.

Тадқиқотда ТПО га қарши АТ концентрацияси умумий гуруҳга киритилган беморлар қон зардобида 74,73±13,81 ХБ/мл ни ташкил этган, назорат гуруҳида бўлса бу кўрсаткич 3,49±0,04 ХБ/мл ни ташкил этган эди. ТПО га қарши АТ миқдори беморлар умумий гуруҳида назорат гуруҳи вакилларига нисбатан 21,41 мартага ишонарли даражада кўп аниқланган ($P<0,001$). Ушбу аутоантителолар концентрациясининг кескин ошиши бирламчи аутоантигенларга нисбатан аутоантителолар пайдо бўлиши, аутоиммун жараён ривожланиши билан боғлиқ эканлиги кўрсатиб берилган.

ҚБ касалликлари аниқланган беморлар қон зардобида цитокинлар ҳам аниқланган. Келтирилган маълумотлар цитокинларнинг иммун тизими фаолияти учун муҳимлигини билдиргани учун IL-1β, TFN-γ (яллиғланишга

хос цитокинлар), IL-4, IL-10 нинг (яллиғланишни қўлловчи цитокинлар) қон зардобидаги концентрациялари аниқланган (2-жадвал). Барча цитокинлар - яллиғланишга хос ва унга қарши бўлишидан қатъий назар, ҚБ касалликлар мавжуд беморларда соғлом шахслар параметрларидан ишонарли даражада юқори бўлган ($P<0,05$).

2-жадвал

**ҚБ касалликлари мавжуд беморлар қон зардобидаги цитокинлар
микдорий кўрсаткичлари**

Цитокинлар	Тадқиқот гуруҳлари	
	Назорат, n=20	Асосий, n=90
IL-1 β , пг/мл	8,06 $\pm$ 1,23	41,28 $\pm$ 2,96* $\uparrow$
IL-4, пг/мл	5,85 $\pm$ 0,99	31,12 $\pm$ 2,27* $\uparrow$
IL-10, пг/мл	17,31 $\pm$ 3,00	42,64 $\pm$ 2,50* $\uparrow$
TNF- α , пг/мл	7,79 $\pm$ 0,75	47,00 $\pm$ 3,15* $\uparrow$

*Изох: * - назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан ишонарли фарқ белгиси; $\uparrow$ - ўзгаришлар йўналиши.*

Тадқиқотда қон зардобидаги IL-1 β беморларда 41,28 $\pm$ 2,96 пг/мл ни ташкил этиб, назорат гуруҳи (8,06 $\pm$ 1,23 пг/мл) кўрсаткичларидан 5,12 мартага ишонарли равишда кўп аниқланган ($P<0,001$). Унинг ошиши патологик ҳолат кучайганлиги, яллиғланиш белгиларининг яққол намоён бўлаётгани, иммун тизимининг фаолиятида зўриқиш борлигини кўрсатди.

Тадқиқотда TNF- α нинг беморларда аниқланган концентрацияси 47,00 $\pm$ 3,15 пг/мл ни ташкил этиб, соғлом шахслар кўрсаткичларидан (7,79 $\pm$ 0,75 пг/мл) 6,03 мартага статистик жиҳатдан аҳамиятли даражада кўп учраши билан фарқланган. Ўрганилган яллиғланишга хос цитокинлар - IL-1 β ва TNF- α лар ошиши бир хил тенденция ва интенсивликка эга бўлган.

Тадқиқотда IL-4 нинг беморлар қон зардобидаги микдори 31,12 $\pm$ 2,27 пг/мл ни ташкил этди, бу эса назорат гуруҳига (5,85 $\pm$ 0,99 пг/мл) нисбатан 5,31 мартага ишонарли даражада кўп деганидир ($P<0,001$).

Шунга ўхшаш тадқиқот IL-10 бўйича ҳам ўтказилиб, унинг беморлар қон зардобидаги концентрацияси соғлом шахслар параметрларига нисбатан 2,46 мартага ишонарли даражада кўплиги аниқланган – мос равишда 42,64 $\pm$ 2,50 пг/мл га қарши 17,31 $\pm$ 3,00 пг/мл ($P<0,001$). IL-10 нинг қон зардобидаги концентрациясининг ошиш даражаси IL-4 дан кам бўлган. Бу эса яллиғланиш жараёни пасайиш тенденцияси камаймаётганини кўрсатган.

Аниқланган 9 та кўрсаткичдан 6 таси ишонарли даражада ўзгарган ($P<0,001$). Яллиғланишга хос цитокинларнинг (IL-1 β ва TNF- α) ўзгаришлар тенденцияси ва интенсивлиги бир хил бўлган бўлса, яллиғланишга қарши цитокинлар (IL-4 ва IL-10) ўзгариш интенсивлиги билан фарқ қилган.

Диссертациянинг «Қалқонсимон без касалликлари мавжуд беморлар иммун ҳолатини аниқлашнинг нозологик birlikлараро тавсифи» деб номланган тўртинчи бобида иммун тизими нозологик birlikлар бўйича қиёсий ўрганилган.

Қон зардобидаги иммуноглобулинлар миқдорий параметри аниқланиб, қиёсий таҳлил этилган (3-жадвал).


3-жадвал

**ҚБ касалликлари мавжуд беморлар қон зардобидаги
иммуноглобулинларнинг нозологик бирликлараро учраш даражаси**

Гуруҳлар	IgA, г/л	IgM, г/л	IgG, г/л	IgE, ХБ/мл
Назорат, n=20	1,26±0,15	1,33±0,14	13,53±0,89	0,64±0,06
Тугунли бўқоқ, n=36	1,22±0,09↔	1,23±0,01*↓	12,92±0,86↔	1,21±0,27*↑
ДТБ, n=40	1,47±0,15*↑	1,84±0,11*↑	19,20±0,12*↑	1,00±0,23*↑
Гипотиреоз, n=48	1,65±0,12*↑	1,35±0,10↔	11,52±0,71*↓	0,96±0,20*↑

Изох: * - назорат гуруҳига нисбатан ишонарли фарқ белгиси, ↑↓ - ўзгаришлар йўналишлари, ↔ - ишонарли тафовут мавжуд эмас.

ДТБ ташхисланган беморлар қон зардобида иммуноглобулинлар концентрацияларини аниқлаш шуни кўрсатдики, уларда IgA 1,17 марта, IgM 1,38 марта, IgG 1,42 марта ва IgE 1,56 мартага соғлом шахслар кўрсаткичларига нисбатан ишонарли юқори бўлган (1-расм). Ушбу ҳолат ДТБ да В-лимфоцитлар гиперпродукцияси билан изоҳланган, ушбу лимфоцитлар гиперпродукцияси бўлса антителолар синтезининг кучайишига олиб келган.




1-расм. ДТБ ли беморлар қон зардобидаги иммуноглобулинларнинг соғлом шахслар параметрларига нисбати, неча марта

Тугунли бўқоқ ташхисланган беморлар қон зардобида IgA ва IgG концентрациялари мос равишда соғлом шахслар кўрсаткичларига нисбатан 1,03 ва 1,05 мартагача пасайган бўлса ҳам, натижалар ишонарли даражада фарқланмаган. IgM нинг бўлса 1,08 мартага ишонарли пастлиги аниқланган. Шу ҳолатда IgE нинг соғломлар параметрларига нисбатан 1,89 мартага ишонарли даражада ошгани кузатилган. Иммуноглобулинлар пасайгани фонида аллергия фон юқори бўлган.

Гипотиреоз ташхисланган беморларда IgA (1,31 марта) ва IgE (1,50 марта) соғломлар параметрларидан ишонарли даражада кўп бўлган бўлса,

IgG (1,17 марта) миқдорий кўрсаткичи ишонарли равишда камайган ($P<0,05$). IgM миқдори соғломлар параметрлари доирасида бўлиб, улардан ишонарли тафовутланмаган.

Беморлар қон зардобидаги иммуноглобулинлар концентрациясини нозологик бирликлараро қиёсий ўрганиш натижалари умумлаштирилган ҳолда 2-расмда келтирилган.



2-расм. ҚБ касалликлари мавжуд беморлар қон зардобидаги IgA, IgM, IgE (А) ва IgG (Б) концентрацияларининг нозологик бирликлараро қиёсий кўрсаткичлари, г/л; ХБ/мл

Тадқиқотнинг кейинги босқичида ҚБ касалликларида беморлар цитокин статусини баҳолаш нозологик бирликлараро ўтказилган. Унда яллиғланишга хос (IL-1 β ва TNF- α) ва унга қарши бўлган (IL-4 ва IL-10) цитокинларнинг беморлар қон зардобидаги концентрациялари қиёсий ўрганилган (4-жадвал).

4-жадвал


ҚБ касалликлари ташхисланган беморлар қон зардобидаги цитокинларнинг нозологик бирликлараро учраш даражаси

Гуруҳлар	IL-1 β , пг/мл	TNF- α , пг/мл	IL-4, пг/мл	IL-10, пг/мл
Назорат, n=20	8,06 $\pm$ 0,23	7,79 $\pm$ 0,75	5,85 $\pm$ 0,99	17,31 $\pm$ 3,0
Тугунли бўқоқ, n=36	27,99 $\pm$ 3,23* $\uparrow$	28,03 $\pm$ 3,77* $\uparrow$	23,11 $\pm$ 2,45* $\uparrow$	36,58 $\pm$ 2,68* $\uparrow$
ДТБ, n=40	51,35 $\pm$ 6,38* $\uparrow$	70,45 $\pm$ 5,89* $\uparrow$	52,07 $\pm$ 3,83* $\uparrow$	62,13 $\pm$ 4,72* $\uparrow$
Гипотиреоз, n=48	44,05 $\pm$ 4,35* $\uparrow$	42,52 $\pm$ 3,24* $\uparrow$	18,19 $\pm$ 1,89* $\uparrow$	29,22 $\pm$ 2,74* $\uparrow$

Изох: * - соғлом шахслар кўрсаткичларидан ишонарли фарқ белгиси, $\uparrow$ - ўзгаришлар йўналиши.

Келтирилган 4-жадвалдан кўриниб турибдики, барча цитокинлар концентрациялари, нозологик бирликлар ва цитокинлар функцияларидан қатъий назар, соғлом шахслар кўрсаткичларидан ишонарли даражада юқори бўлган ($P<0,05$ - $P<0,001$).

Улардаги ўзгаришлар тенденцияси бир хил бўлгани ҳолатда, улар ўзгаришлар интенсивлиги турлича бўлган (3-расм).



3-расм. ҚБ касалликлари ташхисланган беморлар цитокинлар қон зардобидagi концентрацияларининг соғломларга нисбатан ишонарли тафовут нисбати, неча марта

Беморлар қон зардобидagi цитокинлар миқдорий ўзгаришлари ДТБда яққол намоён бўлиб, соғломларга нисбатан энг юқори нисбатдаги тафовутни кўрсатган. Айниқса, ишонарли фарқ TNF α (9,04 марта) ва IL-4 да (8,90 марта) юқори бўлган. Ўзгаришлар тенденцияси бир хил бўлса ҳам, аммо уларнинг интенсивлиги тугунли бўқоқда яққол намоён бўлган. Бу ҳолат ДТБ да аутоиммун жараён ривожлангани, тугунли бўқоқда аутоиммун жараён ва унга боғлиқ яллиғланиш жараёни кам интенсивликда бўлганини кўрсатган. Ўртача интенсивликдаги цитокинлар концентрацияси ўсиши тугунли бўқоқда бўлган.

